

Фердинанд де СОССЮР

**УМУМИЙ
ТИЛШУНОСЛИК
КУРСИ**



Фердинанд де СОССИЮР

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК КУРСИ

Рус тилидан М.Шамсиева таржимаси

Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2017

уЎК: 821.512.133
КБК 81.2(Ў)

Sossure F. de. Cours de linguistique generale / Publ. par Ch. Bally et A. Sechehaye avec la collaboration de A. Riedlinger. Ed. critique prep. par Tullio de Mauro. Paris, 1972.

Фердинанд де Соссюрнинг “Умумий тилишунослик курси” асарида XX аср тилишунослиги ривожси тавсифланган. Соссюр методологияси – тил ва нутқнинг фарқланиши, синхрония ва диахрония, олим томонидан таклиф қилинган тил белгиси табиати таҳлили лингвистика доирасидан чиқиб бир қатор ижтимоий фанлар – этнологиядан тортиб психоанализгача самарали қўлланиб келинмоқда.

Китоб тилишунослар, шунингдек, методология ва ижтимоий фанларнинг умумий масалалари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Ҳ.Болтабоев**

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор **Б.Менглиев,**

филология фанлари номзоди **А.М.Шофқоров**

81.2(Ў)

С

Соссюр Фердинанд де

Умумий тилишунослик курси / Фердинанд де Соссюр. Рус тилидан М.Шамсиева таржимаси; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017. – 68 б.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(9-сон баённома, 2017 йил 28 апрель)

ISBN 978-9943-4718-3-2

© Фердинанд де Соссюр, 2017
© “MUMTOZ SO‘Z”, 2017

СЎЗБОШИ

2016 йил 13 майда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан эълон қилинган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиши тўғрисида”ги ПФ-4749-сонли фармонда: илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш; ...буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш” долзарб аҳамият касб этаётганлиги таъкидланган.¹

Жаҳон тилшунослик тарихига оид шундай асарлар борки, уларнинг мазмун-моҳияти йиллар давомида ўрганиб келинмоқда. Бу асарлар, гарчи муайян чекланган томонлари бўлса-да, тилшуносликнинг назарий масалаларини ёритишда аҳамиятлидир.

Ф. де Соссюр структур тилшунослик асосчиси. Унинг “Умумий тилшунослик курси” 1916 йилда А.Сепе ва Ш.Балли томонидан нашр қилинди. Соссюрнинг белгилар тизими ҳақидаги талимоти, лингвистиканинг объекти сифатида “ўз-ўзида ва ўзи учун” ўрганилувчи тил эканлиги ҳақидаги назарияси, тилнинг қарама-қарши табиатга эга эканлиги ҳақидаги фикрлари, тилнинг ички структураси – грамматикани ўрганувчи белгилар тизими тарзида ифодаланиши, таҳлилнинг бош усули сифатида антиномиянинг танланиши кабилар назарий тилшунослик масалаларини ёритишда муҳимдир.

Ф. де Соссюр “Умумий тилшунослик курси”нинг таржима қилиниши нуткий фаолият антиномияси ва унда тил ҳамда нутқнинг асосий жиҳат деб қаралиши, тил ва нутқни фарқловчи белгилар, Соссюр томонидан нутқ лингвистикаси, диахроник лингвистика ва ташқи лингвистиканинг шакллантирилиши, нутқ лингвистикасининг иккинчи даражали фан деб ҳисобланиши, ташқи лингвистика бўлинишига доир мулоҳазалар, перспектив диахроник лингвистика ва ретроспектив диахроник лингвистикани ўзаро фарқлаш, тилнинг нутққа, синхрониянинг диахронияга зид қўйилиши ва синхрониянинг

¹ “Алишер навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиши тўғрисида”ги фармон. 2016 йил 13 май.

диахрониядан устун ҳисобланиши кабилар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тилшунослик назариясига доир адабиётларнинг рус ва инглиз тилларидан таржима қилиниши ўзбек тилшунослигини назарий маълумотлар билан бойитишга, коидаларни, тил қонуниятларини ўзлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январь куни “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишида жаҳон адабиётининг энг сра намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилишга алоҳида эътибор берилган.

Шу маънода М.Шамсиева томонидан амалга оширилган ушбу таржима ўзбек тилшунослиги назариясини маълумотлар билан бойитишга, тил қонуниятларининг турли аспектдаги талқинларини омалаштиришга хизмат қилади.

З. ХОЛМАНОВА,
филология фанлари доктори, профессор

МУҚАДДИМА

Биз Фердинанд де Соссюрдан бир неча бор лингвистиканинг принцип ва методларининг етишмаслиги тўғрисида шикоят қилганини эшитганмиз. У бутун ҳаёти давомида бу чалкашликларда фикрларини жамлаш мумкин бўлган асосий қонунларни яратишга астойдил ҳаракат қилган. 1906 йилга келиб Женева университетида Вертгеймердан сўнг кафедрани қабул қилгач, бир неча йиллар давомида сайқалланган ғояларини ошкора ифода этиш имкониятига эга бўлди. Де Соссюр умумий лингвистика бўйича 1906-1907, 1908-1909 ва 1910-1911 йилларда 3 марта курс маърузаларини ўқиган. Дастур талаблари бу курслардан ҳар бирининг ярмини ҳинд-европа тилларига бағишлашга мажбур қилган.

Соссюрнинг ғояларга бой маърузаларини эшитиш бахтига муяссар бўлганлар бу маърузалар алоҳида китоб бўлиб нашр қилинмаганидан афсусланишар эди. Олимнинг вафотидан сўнг унинг кўлёзмаларидан ўша маърузаларининг ифодасини топишга умид қилдик. Биз ўша тингловчиларни жалб қилиш орқали Соссюрнинг шахсий қайдларини нашр қилиш ниятида эдик. Лекин, афсуски, биз тингловчиларнинг конспектларидан мувофиқ келадиган бирон-бир нарса топа олмадик: Соссюр ўз маърузалари учун шошилишда ёзиб қуйилган хомаки кўл ёзмаларини зарурат қолмаганда йўқ қилиб юборар эди. Унинг иш столидан биз анча эскириб қолган хомаки қолипларни топдик. Улар, албатта, аҳамиятини йўқотмаган, лекин мустақил тадқиқот, шунингдек, тингловчиларнинг қайдларини бирлаштириш учун етарли эмас эди.

Шундай қилиб, фақат юқорида санаб ўтилган учта маъруза курси тингловчилари қайдлари билан кифояланишга тўғри келди. Батафсил ёзилган конспектларни биринчи иккита курс тингловчиларидан Луи Кай, Леопольд Готье, Поль Регар ва Альберт Ридлингерлар, шунингдек, маърузаларнинг давомини Сеше, Жорж Дегалье, Франсис Жозефлар тақдим қилишди. Махсус саволлар бўйича ўз қайдларини Луи Брютш тақдим қилди. Санаб ўтилган барча олимларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Аввало, бу манбалар юзасидан жиддий танқидий таҳлил лозим эди: ҳар бир курснинг алоҳида деталларигача солиштириш йўли билан бизда қолган акс-садолар орқали муаллиф фикригача етиб бориш лозим бўлди. Дастлабки икки курс маърузаларини йиғиш учун олимнинг фикрларини катта қизиқиш билан кузатиб борган

А.Ридлингерга мурожаат қилдик. Бу ҳолатда унинг ёзганлари катта самара берди. Учинчи курс учун ҳам худди шу тарзда сермашаққат солиштириш, таҳрирлаш ишлари олиб борилди. Бироқ бу ҳаммаси эмас. Китоб нутқига мос бўлмаган оғзаки нутқ шакли бир қанча мураккабликларни туғдирди. Де Соссюр эришилган нуктада тўхтаб қолмайдиган олимлар сирасидан эди: унинг фикрлари барча йўналишларда эркин ривожланиб борарди. Оғзаки баён шаклидаги маълумотларни асл ҳолида нашр эттиришнинг имкони йўқ эди. Ундаги такрорлар, ғализликлар, ўзгарувчан шакллар нашрни яхлитликдан маҳрум қилар эди. Битта курс билан чегараланиш китобни бутун бойликлардан маҳрум этиш билан тенг эди; ҳатто мукаммал бўлишига қарамасдан учинчи курс бўйича тўпланган манбалар ҳам Соссюрнинг назариялари ва методлари ҳақида тўлиқ маълумот бера олмас эди.

Баъзи парчалар Соссюрда қандай берилган бўлса, шу тарзда қайд этишни маслаҳат беришди; дастлаб бу ғоя бизга ёқди, лекин тез орада маълум бўлдики, буни амалга ошириш устоз концепциясининг нотўғри талқин қилинишига олиб келиши равшанлашди. Шунинг учун биз қатъий, айтиш мумкинки, тўғри қарорга келдик: учинчи курс манбалари асосида қайта ишлаш, синтезлаш ишларини олиб бордик. Бу иш ниҳоятда қийин эди, чунки унинг маълумотларини тиклаш ҳақида гап кетмоқда ва у мутлақо объектив бўлиши лозим: ҳар бир пунктдаги алоҳида фикрларнинг тағ замирига етиш ва унинг тугал шаклини кўра билиш, илғаб олиш лозим бўлди.

Бизнинг мақсадимиз ҳеч нарсани бузмасдан, узвий боғланган бутунлик яратиш эди. Айнан мана шунинг учун бизда икки томонлама танқидга учраш хавфи бор эди.

Бир томондан, бу “узвий бутунлик” тўлиқ эмас, деган танқид бўлиши мумкин эди. Ахир бизнинг устоз ҳеч қачон лингвистиканинг барча йўналишларини қамраб олишга даъвогарлик қилмаган; аслида бундай қила олмас ҳам эди. Зеро унинг мақсади ҳам умуман бошқа эди. Биз доим ишларида учратадиган концепциялар қанчалик ишончли бўлса, шунчалик турли-туман эди, у ўз фаразларининг ижобий имкониятларини тўла ҳолда намоён қилиб, йўлида учраган баъзи назарияларни кўпориб ташлай оладиган даражада шакллантиргандан сўнггина уни ошкор қилар ва кенг қўллар эди. Бу билан баъзи соҳалар, масалан, семантикага бир оз тўхталиб ўтилганини айтиш мумкин. Бизнинг назаримизда, бу ораликлар бутунлиكنинг қисмлари ўртасидаги уйғунликка (*архитектоникасига*) таъсир қилмайди. “Нутқ лингвистикаси”нинг мавжуд эмаслиги бир қадар оғрикли ҳолат.

Учинчи курс тингловчиларига ваъда қилинган бу бўлим, шубҳасиз, келажакдаги курсларда фахрли ўрин олар эди. Биз фақат бўлимга тегишли кўрсатмаларнигина тўпладик ва жойлаштирдик, бундан ортигини қила олмадик.

Бошқа томондан, балки бизни Соссюрдан олдин ҳам мавжуд бўлган баъзи маълумотларни киритганимизда айблалари ҳам мумкин. Бироқ шундай кенг мавзунини баён қилишда ҳаммаси бирдек янги бўлишининг ҳам иложи йўқ. Агар баъзи қоидалар бутунни тушунишга ёрдам берса, бу яхши эмасми? Фонетика бўлимидаги маълумот ўзгаришлари шундан иборатки, у Соссюрдан олдинги олимларнинг нисбатан тугатилган шакл ва изоҳлари билан тўлдирилган. Буларсиз Соссюр шакллантирган лингвистик тизим моҳиятини тушуниш қийин кечар эди, ахир олим бу статик тизимни ўша изоҳлар асосида яратганку.

Биз илмий танқид қилувчи шахс ва муаллифнинг ўзи олдида ҳам тўла масъулиятни ўз бўйнимизга оламиз, балки устоз ҳаёт бўлганида бу саҳифаларни нашр қилдиришга рухсат бермаган бўлармиди?

*1915 йил, июль. Женева
Ш.Балли, А.Сеше*